“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ

2018 йил 20 июль **№ 02/2018** **Тошкент шаҳри.**

Йиғилишга раислик қилди:
А. Рашидов - Кузатув кенгаши аъзоси.

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyatiнинг асосий фаолияти республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизматларини кўрсатишдан иборат бўлиб, мазкур Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ташкил этилган, Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ эса унинг вазифалари кенгайтирилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги Жамият Кузатув кенгашининг 2018 йил 10 июлдаги 231-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Кузатув кенгаши аъзоси акциядорлар умумий йиғилишининг Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди.

А. Рашидов - Умумий йиғилиш раиси ва А. Хўжамқулов ва Ш. Нурматов умумий йиғилиш раёсати аъзолари ҳамда П. Ходжиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

Кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сонли қарори ижросини кўриб чиқиш.
4. Жамият кузатув кенгаши баъзи аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва янги аъзоларини сайлаш.
5. Хорижда лизинг операцияларини амалга ошириш мақсадида жамиятнинг шўъба ва тобе жамиятларини ташкил этиш.
6. Лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида жамиятнинг корпоратив облигацияларини чиқариш.
7. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти бош директорини сайлаш.
8. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.
10. Жамият ижроия аппарат тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш.
11. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом”ни янги таҳрирда тасдиқлаш.
12. Йирик битимлар тузиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги маъруза ва ахборотлар эшитилди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А. Рашидов Кузатув кенгашининг 2018 йил 10 июлдаги 231-сонли қарорига асосан 3 кишидан, яъни Узаков Хасан Тиркашович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Турсунов Марат Турдиахуновичдан иборат этиб Саноқ комиссияси тузилганлигини ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

Мазкур комиссиянинг Саноқ комиссияси раиси этиб М. Турсунов сайланганлиги тўғрисидаги 2018 йил 20 июлдаги 1-сонли баённомаси умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Саноқ комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 37 226 486 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 4 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ва жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 669 087 дона)нинг 89,34 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Саноқ комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисидаги 2018 йил 20 июлдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очиқ деб эълон қилинди.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А. Рашидов, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалар бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 минутдан;

музокарага чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга –10 минут;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга –10 минут.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сонли қарори ижросини кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сонли "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини кўриб чиқиш масаласи бўйича Умумий йиғилиш раиси сўзга чиқиб, мазкур қарорнинг 20-бандига мувофиқ, "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

“Ўзагротехмаш” АЖ ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг бир-бирини такрорловчи функциялари ва тузилмаларини, уларни бирлаштириш йўли билан оптималлаштириш;

“Ўзагролизинг” АЖни “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш бўйича таклиф киритиш топшириғи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сонли қарори ижросини таъминлаш учун “Ўзагролизинг” АЖни “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини тайёрлаб Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖга тақдим этиш тўғрисида таклиф киритилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

4. Жамият кузатув кенгаши баъзи аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва янги аъзоларини сайлаш.

Жамият кузатув кенгаши таркибига янги аъзоларни сайлаш масаласи бўйича Умумий йиғилиш раиси сўзга чиқиб, “O‘zagrotexsanoatxolding” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 29 июндаги МК-18-13/884 ва 2018 йил 17 июлдаги МК-18-13/968-сонли хатида:

Жамият кузатув кенгаши аъзоларидан Ахмедгариев Родион Евгеньевич, Қўзиев Ихтиёр Бахтиёрович ва Махмудов Шерзод Қадировичнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатишни ҳамда улар ўрнига Кузатув кенгаш аъзоси этиб сайлаш учун:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Каримов Анвар Расулович;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Эргашев Абдимухтор Эргашевич;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Машинасозлик, автомобиль, электротехника, мудофаа, пахтани қайта ишлаш саноати ва енгил саноатни ривожлантириш масалалари ахборот таҳлил департаментининг машинасозлик – шўъба мудири Саидов Зафар Зоировичнинг номзодлари таклиф қилинганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

5. Хорижда лизинг операцияларни амалга ошириш мақсадида жамиятнинг шўъба ва тобе жамиятларини ташкил этиш.

“Ўзагролизинг” АЖ Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи А. Саттаров сўзга чиқиб, асосий акциядор - “O‘zagrotexsanoatxolding” акциядорлик жамияти томонидан 2018 йил 29 июндаги МК-18-13/884-сонли хат орқали Умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун хорижда лизинг операцияларни амалга ошириш мақсадида жамиятнинг шўъба ва тобе жамиятларини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кун тартибига киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

6. Лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида, жамиятнинг корпоратив облигацияларини чиқариш.

Лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида, жамиятнинг корпоратив облигацияларини чиқариш масаласи юзасидан "Молиявий-иқтисодий таҳлил ва лизинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими" бошлиғи Э. Қурбонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сонли қарорида "Ўзагролизинг" АЖ томонидан жорий йилда жами қиймати 863 млрд. сўм бўлган 4260 дона қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб берилиши белгиланганлигини таъкидлади.

Лизинг лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш учун "Ўзагролизинг" АЖ томонидан қўшимча равишда тижорат банкларидан 200 млрд. сўм миқдорида кредит ресурслари жалб этиш режалаштирилган.

Жалб этилаётган кредитлар тижорат банклари томонидан йиллик 20 фоиз устамаси билан ажратилмоқда. Бу ҳолат, жамиятнинг харажатларини ошишига, қишлоқ хўжалигига кўрсатилаётган лизинг хизматлари таннархининг қимматлашувига сабаб бўлмоқда.

Жамиятнинг харажатларини камайтириш, ўз айланма маблағларини шакллантириш мақсадида жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомалага чиқариш масаласи бўйича қарор қабул қилиш ваколатини жамият кузатув кенгашига бериш тўғрисида таклиф киритилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

7. "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти бош директорини сайлаш.

Умумий йиғилиш раиси сўз олиб қуйидагиларни қайд этди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрда қабул қилинган ПҚ-2658-сонли "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бош директорини Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланиши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 апрелдаги 298-сонли қарори билан Анвар Абдимажитович Саттаров "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари – "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бош директори этиб тасдиқланган.

Мазкур Қарорга мувофиқ Анвар Абдимажитович Саттаровни "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бош директори этиб сайлаш тўғрисида Умумий йиғилишга таклиф киритилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

8. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

Мазкур масала бўйича "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи Анвар Абдимажитович Саттаров маъруза қилиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ҳозирги вақтда Жамиятнинг устав фонди миқдори 105 681 835 545 (бир юз беш миллиард олти юз саксон бир миллион саккиз юз ўттиз беш минг беш юз қирқ беш) сўмни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сонли "Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 373-сонли қарорларига мувофиқ 2018 йилда Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига умумий қиймати 836,3 млрд. сўмдан ортиқ бўлган 22 турдаги 4 260 дона қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб берилиши белгиланган.

Шундан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан молиялаштирилмайдиган қисми 104,2 млрд. сўмни ташкил этади.

Лизингга етказиб бериладиган техникаларни сотиб олишни молиялаштириш учун республика тижорат банкларидан кредит маблағларини жалб этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, кредит фоизларининг юқори, яъни йиллик 20 фоиз эканлиги, Жамият томонидан амалга оширилаётган лизинг лойиҳаларининг самарадорлик даражасини етарли даражада таъминламаяпти. Шу боисдан, молиялаштириш учун арзон молиявий манбаларни топиш зарурияти юзага келмоқда.

Шу муносабат билан, Жамиятнинг Устав фондига қўшимча маблағларни жалб этиш ҳисобидан айланма маблағлар миқдорини ошириш таклиф этилмоқда.

Бунинг учун Жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларининг:

энг кўп миқдорини 19 800 000 (ўн тўққиз миллион саккиз юз минг) дона этиб белгилаш;

акциялар шаклини эгаси номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги акция этиб белгилаш;

номинал қийматини 2535 сўм даражасида сақлаб қолган ҳолда, умумий қиймати 50 193 000 000 (эллик миллиард бир юз тўқсон уч миллион) сўмлик акциялар этиб белгилаш;

акцияларни очиқ обуна усули билан жойлаштириш тўғрисида Умумий йиғилишга таклиф киритилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

9. "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

"O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш юзасидан П. Ходжиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 59-моддасига асосан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилганлигини қайд этди.

Умумий йиғилишнинг бугунги Кун тартибига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини 50,2 млрд. сўм этиб белгилаш масаласи кўриб чиқилиб қарор қабул қилиниши кутилмоқда.

Шу муносабат билан амалдаги Уставни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

10. Жамият ижроия аппарат тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш.

Жамият ижроия аппарат тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш юзасидан Юридик бўлим бошлиғи П. Ходжиев сўзга чиқиб, "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти Акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг 2017 йил 09 июндаги 2/2017-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти ижроия аппарати тузилмасига, бугунги кун талабидан келиб чиқиб қуйидаги бир қатор ўзгартишлар киритиш зарурияти юзага келганлигини қайд этди:

Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
-	Молиявий масалалар бўйича бош директор ўринбосари
Маркетинг, буюртмаларни шакллантириш, техникани лизинг орқали ва тўғридан-тўғри сотишни ташкил этиш бошқармаси	Маркетинг, буюртмаларни шакллантириш, техникани лизинг орқали сотишни ташкил этиш бошқармаси
Лизинг объекти мониторинги ва носоз техникалар бўйича ишлаб чиқарувчилар билан ишлаш бўлими	-
Молиявий-иқтисодий таҳлил ва лизинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими	Молиявий-иқтисодий таҳлил ва кредит мажбуриятлари бўлими
-	Лизинг тўловларини ундириш ва лизинг объектидан фойдаланишни назорат қилиш бўлими
Матбуот котиби	Матбуот хизмати

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

11. "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом"ни янги таҳрирда тасдиқлаш.

"O'zagrolizing" акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом"ни янги таҳрирда тасдиқлаш масала юзасидан П. Ходжиев сўзга чиқиб, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси акциядорларининг 2016 йил 28 майдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибининг 16-масаласи бўйича қабул қилинган қарорига мувофиқ "Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти" олинганлиги қайд этилди.

Корпоратив бошқарув кодексининг VI-бўлими ("Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигининг механизмларини жорий этиш") 25-бандининг 12-хат боши қисмида, Акциядорлик

жамияти Бошқарув органларига “Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофот пули миқдорини АЖ молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлаш” вазифаси юклатилган.

“Корпоратив бошқарув кодекси”нинг 33-модасида, Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни йилига камида бир марта ўтказилиши белгиланган.

Мазкур Кодекс талаби асосида Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш “Nazorat-audit” МЧЖ томонидан ўтказилиб, 2018 йил 26 мартда берилган 01/50-18-сонли “Хулоса”га асосан “қониқарли” деб баҳоланган.

Лекин, мазкур Хулосада, “Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот пули миқдорини Жамиятнинг молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғланмаганлиги” қайд этилиб, Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашда берилган жами балл ҳисобидан “50 бал” минус қилинган (яъни, тўпланган жами балл ҳисобидан “50 бал” камайтирилган).

Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этилишини тўлиқ таъминлаш мақсадида, “Кузатув кенгаши тўғрисида Низом”нинг 58 ва 59-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали ушбу “Низом”ни янги таҳрирда тасдиқлаш таклиф этилмоқда.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

12. Йирик битимлар тузиш тўғрисида.

Йирик битимлар тузиш тўғрисида “Молиявий-иқтисодий таҳлил ва лизинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими” бошлиғи Э. Қурбонов сўзга чиқиб, қуйидагиларни қайд этди.

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ томонидан 2018 йил 7 июлда МК-18-10/923-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н. Отажоновга мурожаат қилиниб, ушбу хатда:

қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқаришни молиялаштириш ва уларни ишлаб чиқарилишини амалга ошириш ўртасида камида 4 ойлик вақт тафовути борлиги;

юзага келаётган вақт тафовутини банклар томонидан қопланган аккредитивлар очиш орқали қоплаш учун тижорат банкларига гаров ёки кафиллик таъминоти берилиши заруриятини юзага келганлиги қайд этилган;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сонли “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 373-сонли қарорларига асосан лизингга етказиб бериладиган техникалар учун молиявий маблағларни аниқ равишда “Ўзагролизинг” АЖга тўлаб берилиши белгиланганлигини инобатга олиб, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ таркибидаги техника ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг чет эллик ҳамкорлар билан тузилган шартномалари асосида қопланган аккредитив очишга таъминлаш бериш учун “Ўзагролизинг” АЖ кафиллигини қабул қилиш тўғрисида сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н. Отажонов томонидан 2018 йил 10 июндаги 04/1-1641-сонли кўрсатма хатида Республика тижорат банкларига ва “Ўзагролизинг” АЖга, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг жорий

йил 7 июлдаги МК-18-10/923-сонли мурожаатини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сонли қарорида "Ўзагролизинг" АЖ томонидан жорий йилда жами қиймати 863 млрд. сўм бўлган 4260 дона қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб берилиши белгиланган.

Лизинг лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш учун "Ўзагролизинг" АЖ томонидан қўшимча равишда тижорат банкларидан жами 240,0 млрд сўмлик (шундан "Агробанк"дан 100,0 млрд.сўм, "Асака"банкдан 100,0 млрд.сўм, "Азия Алянс банк"дан 40,0 млрд.сўм) кредит ресурсларини жалб этиш режалаштирилган.

Шу муносабат билан Жамият томонидан:

Республика тижорат банкларига "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ таркибидаги техника ишлаб чиқарувчи корхоналар учун қопланган аккредитив очиш бўйича гаров сифатида "Ўзагролизинг" АЖ кафиллигини тақдим этиш;

лизинг лойиҳаларини амалга ошириш учун "Ўзагролизинг" АЖ томонидан тижорат банкларидан жами 240,0 млрд сўмлик (шундан "Агробанк"дан 100,0 млрд.сўм, "Асака"банкдан 100,0 млрд.сўм, "Азия Алянс банк"дан 40,0 млрд.сўм) кредит ресурсларини жалб этиш бўйича йирик битимларни имзолаш бўйича шартнома тузилишига;

"O'zagrolizing" акциядорлик жамияти тизимидаги "Ўзмашлизинг" МЧЖ томонидан "O'zagrolizing" АЖ орқали олинадиган 240,0 млрд. сўмлик кредитларга кафиллик таъминотини берилиши учун келгусида кафиллик шартномалари тузишга рухсат берилиши тўғрисида таклиф киритилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

Умумий йиғилиш Раиси Кун тартибидаги масалаларнинг ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси М. Турсунов Умумий йиғилишга қуйидагиларни эълон қилди:

Саноқ комиссиясининг 2018 йил 20 июлдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 4 дона бюллетен тарқатилди ва 4 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қуйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сонли қарори ижросини кўриб чиқиш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

4. Жамият кузатув кенгаши аъзолари Ахмедгариев Родион Евгеньевич, Қўзиев Ихтиёр Бахтиёрович ва Махмудов Шерзод Қадирович ваколатларини муддатидан олдин тугатиш:

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

Жамият кузатув кенгаши аъзолари сайлаш.

Каримов Анвар Расулович – 37 226 486 дона акциялар;
Эргашев Абдимухтор Эргашевич – 37 226 486 дона акциялар;
Саидов Зафар Зоирович – 37 226 486 дона акциялар.

5. Хорижда лизинг операцияларни амалга ошириш мақсадида жамиятнинг шўъба ва тобе жамиятларини ташкил этиш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

6. Лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида, жамиятнинг корпоратив облигацияларини чиқариш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

7. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти бош директорини сайлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

8. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

9. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

10. Жамият ижроия аппарат тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

11. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом”ни янги таҳрирда тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

12. Йирик битимлар тузиш тўғрисида.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 226 486 дона акциялар (100,%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

Саноқ комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди *(Саноқ комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда)*.

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Саноқ комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса М. Турсунов, Х.Узаков ва М. Мирсаидовалардан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 минутдан;

музокарага чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга –10 минут;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга –10 минут регламент белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзагролизинг” АЖни “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси тайёрлансин ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖга тақдим этилсин.

4. Жамият кузатув кенгаши аъзолари Ахмедгариев Родион Евгеньевич, Қўзиев Ихтиёр Бахтиёрович ва Махмудов Шерзод Қадирович ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:

- Каримов Анвар Расулович;
- Эргашев Абдимухтор Эргашевич;
- Саидов Зафар Зоирович.

5. Хорижда лизинг операцияларини амалга ошириш мақсадида жамиятнинг шўъба ва тобе жамиятларини ташкил этиш ваколати Кузатув кенгашига берилсин.

6. Жамиятнинг кредит тўловлари бўйича харажатларини камайтириш, ўз айланма маблағларини шакллантириш мақсадида жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомалага чиқариш масаласи бўйича кузатув кенгашига барча зарур ваколатлар берилсин.

7. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти бош директори этиб Саттаров Анвар Абдимажитович сайлансин.

Жамият бош директори билан бир йил муддатга шартнома тузилсин.

8. Жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларининг энг кўп миқдори 19 800 000 (ўн тўққиз миллион саккиз юз минг) дона, эгаси номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 2535 сўм, умумий қиймати 50 193 000 000

(эллик миллиард бир юз тўқсон уч миллион) сўмлик акциялар этиб белгилансин ва очиқ обуна усули билан жойлаштирилсин.

9. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Жамият ижроия аппаратининг тузилмаси ўзгартишлар киритилган ҳолда 2-иловага мувофиқ янгидан тасдиқлансин.

11. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом” янги таҳрирда тасдиқлансин.

12. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти томонидан келгусида тузиладиган қуйидаги йирик битимлар тасдиқлансин:

“Агробанк”дан 100,0 млрд.сўмга тузиладиган кредит шартномаси;

“Асака”банкдан 100,0 млрд. сўмга тузиладиган кредит шартномаси;

“Азия Алянс банк”дан 40,0 млрд. сўмга тузиладиган кредит шартномаси;

“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти тизимидаги “Ўзмашлизинг” МЧЖ томонидан “O‘zagrolizing” АЖ орқали олинадиган 240,0 млрд. сўмлик кредитларга кафиллик таъминотини берилиши учун келгусида тузиладиган кафиллик шартномалари;

Республика тижорат банкларига “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ таркибидаги техника ишлаб чиқарувчи корхоналарга қопланган аккредитив очиш учун таъминот сифатида “Ўзагролизинг” АЖ кафиллигини унинг тўлов лаёқатидан келиб чиққан ҳолда тақдим этиш бўйича тузилиши мумкин бўлган кафиллик шартномалари.

Умумий йиғилиш раиси **А. Рашидов**

Котиб **П. Ходжиев**

Баён тузилган сана: 20 июль 2018 й.